



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Микромолиявий хизматлар самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели

Назарова Муслима Назаровна

Тошкент давлат иқтисодий университети мустақил тадқиқотчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: muslima.nazarova.mn@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 26.11.2022

Қабул қилинган вақти: 29.12.2022

Таянч сўз ва иборалар: *нобанк кредит ташкилотлари, самарадорлик, микромолия ташкилотлари, актив, капитал, рентабеллик, ликвидлик.*

Аннотация

Ушбу мақолада микромолиявий хизматлар кўрсатувчи кредит ташкилотлари иқтисодий самарадорлигига, яъни уларнинг ликвидлиги ва рентабеллик кўрсаткичларига, шунингдек ушбу ташкилотлар ижтимоий самарадорлиги, яъни кредитлари ҳажми ва уларнинг фоизига таъсир кўрсатувчи омиллар эмпирик таҳлил қилинган. Модел натижаларига кўра, ушбу ташкилотлар ликвидлиги кўрсаткичларига индикатив фоиз ставка, кредитлар фоизи, активлар рентабеллиги позитив таъсир кўрсатган. Шунингдек, микромолия ташкилотлари активлар рентабеллигига пул массасининг ошиши позитив таъсир кўрсатса, капитали рентабеллигига эса негатив таъсир кўрсатмоқда. Микромолия ташкилотлари кредитлар ҳажми ва фоизига индикатив фоиз ставка, муомаладаги пул массаси ҳамда инфляция даражаларининг таъсири аниқланмади. Аксинча, миллий валюта курси девалвацияси микромолия ташкилотлари кредитлари фоизига таъсири кучли эканлиги аниқланди.

Econometric model of factors affecting the efficiency of microfinancial services

Nazarova Muslima Nazarovna

Independent researcher of Tashkent State University of Economics

Corresponding author: email: muslima.nazarova.mn@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 26.11.2022

Accepted: 29.12.2022

Key words: *non-bank credit organizations, efficiency, microfinance organizations, asset, capital, profitability, liquidity.*

Abstract

This article empirically analyzes the factors affecting the economic efficiency of credit organizations providing microfinance services, that is, their liquidity and profitability indicators, as well as the social efficiency of these organizations, that is, the volume of loans and their percentage. According to the results of the model, the indicators of liquidity of these organizations were positively affected by the indicative interest rate, percentage of loans, profitability of assets. Also, if the increase in the money supply has a positive effect on the return on assets of microfinance organizations, it has a negative effect on the return on capital. The impact of the indicative interest rate, money supply and inflation levels on the volume and percentage of loans of microfinance organizations was not determined. On the contrary, it was found that the devaluation of the national currency has a strong effect on the percentage of loans of microfinance organizations.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида нобанк кредит ташкилотларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги, аҳоли турмуш даражасининг фаровонлигини оширишдаги ўрни борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Нобанк кредит ташкилотлари нафақат мамлакатда аҳоли камбағаллик даражасини қисқартириш, балки ўзларининг молиявий самарадорлигини ҳам оширишлари лозим. Бу икки вазифа иқтисодчи олимларни икки гуруҳга ажратмоқда. Биринчи гуруҳ иқтисодчилар нобанк кредит ташкилотлари мамлакатда аҳоли камбағаллик даражасини қисқартиришда муҳим ўринга эгаллигига шубҳа қилмаса, иккинчи гуруҳ иқтисодчилари эса нобанк кредит ташкилотлари аҳоли турмуш даражасини янада ёмонлаштирадиган молиявий инструментлардан бири сифатида қарашмоқда. Шундай экан, нобанк кредит ташкилотларининг ижтимоий фаолият самарадорлигини ифодаловчи кўлам кенглиги ва ушбу ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўлам чуқурлиги ҳамда ушбу икки мақсад ўртасидаги мувозанатни таъминлаш масалалари бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда молия бозорининг асосий элементини тижорат банклари ташкил қилсада, аммо нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва молия бозорининг муҳим элементларидан бирга айлантириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юридик ва жисмоний шахсларни умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини 2020 йилда 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш [1] борасида вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни самарали амалга оширишда нобанк кредит ташкилотлари сирасига кирувчи микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб қилишни тақазо этади. Шунингдек, нобанк кредит ташкилотларининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорликларини белгиловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаб олишга, улар орқали нобанк кредит ташкилотларининг аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрнини ўрганишга ҳамда микромолия ташкилотлари иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларнинг кучини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Биз илмий тадқиқотимизда мамлакатимизда микромолиявий хизматлар кўрсатаётган нобанк кредит ташкилотлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, микромолия ташкилотлари ҳамда ломбард ташкилотларининг иқтисодиётда тутган ўрнини ўрганиб чиқамиз.

Нобанк кредит-молия институтлари - бу расман банк эмас (банк лицензиясига эга эмас), аммо асосий фаолияти молиявий хизматлар кўрсатиш бўлиб, кўп

жиҳатдан банкларникига боғлиқ ва муқобил ҳисобланади. Шунинг учун нобанк кредит-молия институтлари кўплаб инглиз тилидаги адабиётларда банкларга асосий рақобатчи деб айтилади.

Ломбард, гаровхона - гаровга қўйилган муайян буюмлар эвазига маълум муддатга пул (маблағ) бериб турадиган муассасадир. Буюмнинг қиймати томонларнинг келишувига кўра баҳоланади, гаровга қўйилган буюм эгасига номи ёзилган ломбард тилхати берилади. Олинган пул ўз вақтида қайтарилмаса, қўйилган буюм ломбард мулкига айланади ва ломбард қўйилган буюмларни сотишга ҳақли. Шунингдек, ломбард қимматбаҳо уй-рўзғор буюмларини сақлаб бериш учун ҳам қабул қилади. Ломбардга буюмлар фақат маблағ олиш учун эмас, баъзан мазкур буюмнинг ишончли сақланишини таъминлаш учун ҳам қўйилади.

Ушбу мақоламизда микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотларининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлилини олиб борамиз. Микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотларни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари сифатида уларнинг ликвидлиги, активлар рентабеллиги ҳамда капитал рентабеллиги каби кўрсаткичлар танланган бўлса, уларга таъсир қилувчи омиллар сифатида, ички омилларга ушбу ташкилотлар кредитлари ҳажми ва унинг фоизи олинган. микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотларнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи ички омиллар сифатида кредитлар ҳажмини ва уларнинг фоизини олганлигимизга сабаб шундаки, яъни кредитлар ҳажми ва фоизининг ошиши ликвидлилик кўрсаткичини пасайтирса, аксинча рентабеллик кўрсаткичларини оширади.

микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотлар иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи ташқи омиллар сифатида мамлакатдаги инфляция даражаси, миллий валюта девалвация даражаси, индикатив фоиз ставка ҳамда муомаладаги пул массалари олинган. Ушбу омиллар аҳолининг кредит олишига, истеъмолини оширишга ҳамда молия ташкилотлари кредитларининг фоизига таъсир кўрсатган ҳолда микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ўзгартиришга олиб келади.

микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотларининг ижтимоий самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар сифатида кредит портфели ҳажми билан уларнинг фоизини олганмиз. Чунки, микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотлари томонидан аҳолининг камбағал қатламига молиявий кўмак бериш даражасини аниқлашда улар томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми билан уларнинг фоизини ўрганиш лозим. микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотларининг ижтимоий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар асосан ташқи омиллар ҳисобланади. Ушбу ташқи омиллар бир томондан аҳолининг харид қобилиятига таъсир кўрсатса,

иккинчи томондан микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотлар кредитлари ҳажми ва фоизига таъсир кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи

Микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотлар фаолияти ва ушбу кредитлар фоизларига таъсир кўрсатувчи омилларнинг эмпирик таҳлили борасида хорижий адабиётларда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борган. Ушбу тадқиқотларнинг айримлари билан яқиндан танишиб чиқамиз.

С.Мазакза, ва С.Одоёо каби иқтисодчилар микромолиялаштиришнинг мамлакатда аёллар иқтисодий аҳволига, жамиятда тутган ўрнига таъсирини ўрганишган. Уларнинг таъкидлашича, микромолиялаш ноқулай аҳволда бўлган тадбиркор аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун қўлланиладиган ривожланиш воситаларидан бирига айланган. Таҳлил натижаларига кўра, микромолия сектори тобора кўпроқ даромадли бўлиб кўрилмоқда ва сўнгги пайтларда ушбу сектордаги янги ўйинчилар томонидан даромадни кенгайтиришга эътибор қаратилиши ва COVID-19 пандемиясининг оқибатлари ижтимоий самарадорлик ютуқларини камайтирган.[5] Аёлларнинг микромолияга кириши аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга, турмуш шароитини яхшилашга ва қарор қабул қилишга олиб келади деган назария мавжуд. Бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борилганлиги ушбу назарияни қўллаб-қувватлайди, лекин, бизнинг фикримизча, микромолиялаштириш гендер зўравонлик каби бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилмасдан туриб муваффақиятга эриша олмайди. Келажакдаги тадқиқотлар ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва аёлларга ваколат берилгандан кейин уларни қандай енгиллаштириш мумкинлигини чуқур ўрганиши мақсадга мувофиқдир.

А.Кхан, ва М.Маликлар томонидан ривожланаётган давлатлардан Бангладеш ва Покистон мисолида микромолиявий ташкилотларнинг мамлакатда қашшоқликни камайтириш, молиявий самарадорликни ошириш ҳамда иқтисодий ўсишга таъсирини қиёсий таҳлил қилган. Таҳлил учун тасодифий танловлар орқали икки давлатдаги 56 та микромолия ташкилотларининг 2002-2013 йиллардаги статистик маълумотлари олинган. Маълумотларни мулти-коллинеарлик ва гетероскедастликка текшириш мақсадида, диагностик тестлари, инфляция омилининг дисперциясини ва Браус панеллари қўлланилган. Маълумотлар Хоусман тестида кўрсатилганидек, собит эффектли модел (fixed effect model) ёрдамида таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, микромолиялаш Бангладешга қараганда Покистонда қашшоқликни камайтириш ва иқтисодий ўсишга кўпроқ таъсир қилган. Шу билан бирга, Бангладешда микромолия ташкилотлар томонидан қашшоқликни молиялаштириш имконияти Покистонникига қараганда кўпроқ эътибор ва имкониятлар берилганлиги аниқланган.[4]

Michael Adusei томонидан фоиз ставкасининг микромолия институтлари ижтимоий фаолиятига таъсирини ўрганилган. Иқтисодчи томонидан 74 давлатда фаолият юритувчи 555 та микромолиявий ташкилотларнинг 2010-2018 йиллардаги маълумотларидан фойдаланиш орқали Гаус аралаш модели (Gaussian mixture models (GMM)) амалга оширилади. Олим томонидан олиб борилган эконометрик усуллар фоиз ставкаси микромолиявий ташкилотларнинг ижтимоий самарадорлик кўламининг кенглиги ва чуқурлиги оширишини кўрсатувчи ишончли натижалар берди. Ушбу моделда микромолия ташкилотларининг ижтимоий самарадорлигини кенглигини аниқловчи кўрсаткич сифатида мижозлари сони олинган бўлса, ижтимоий самарадорликнинг чуқурлигини билдирувчи кўрсаткич сифатида мижозларига ажратилган кредитларнинг ўртача миқдорини миллий даромадга нисбати олинган.[2] Ушбу эконометрик модел натижасини муқобил гипотеза билан изоҳлашимиз мумкин.

Микромолиявий ташкилотлар мижозлари асосан камбағал ва шунинг учун муқобил молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имконияти йўқ. Демак, бу уларни ҳар қандай фоиз ставкаларида микрокредит олишга мажбур қилади. Айнан таҳлил натижалари ҳам фоиз ставкасининг микрокредитлар ҳажмига таъсири сустиги билдиради.

А.Абраг томонидан микромолия ташкилотларининг камбағалликни қисқартиришга қаратилган ижтимоий фаолияти билан самарадорлик йўлидаги ҳаракатларининг кредитлар фоизига таъсири ўрганилган. Таҳлилда дунёнинг олти қитъасида жойлашган 70 та давлатлардаги 382 та беш юлдузли микромолия ташкилотларининг 2006-2012 йиллардаги статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Иқтисодчининг фикрича молиявий фаолият самарадорлигини текширишда активларнинг рентабеллиги, капитал рентабеллиги ва ликвидилик кўрсаткичлари олинса, ижтимоий фаолият самарадорлигини текширишда ўртача кредит ҳажми билан мижозлар сони олинishi мақсадга мувофиқдир. Таҳлилда кредит бериш фоиз ставкаси сифатида микромолия ташкилотлари томонидан мижозларига ажратилган кредитлар фоизининг ўртача даражаси олинган. Таҳлил натижаларига кўра, кредитлаш харажатлари, активлар рентабеллиги ҳамда кредит олган мижозлар сони кредит фоизларини тўғридан-тўғри таъсир кўрсатган. Аммо ижтимоий фаолиятнинг чуқурлигини англаувчи ўртача кредитлар ҳажми эса кредитлар фоизига тескари пропорционал эканлиги аниқланган.[3]

S.Samreth, D.Aiba, S.Oeur, ва V.Vat каби олимлар илмий тадқиқотларида 2017 йилда Камбоджада микромолия секторида фоиз ставкасининг юқори чегарасини жорий этиш оқибатларини 2019 йилда уй хўжаликларида ўтказилган сўровларга асосланган ҳолда ўрганган. Натижалар шуни кўрсатадики, ўртача фоиз ставкаси юқори чегара қўйилгандан кейин пасайган. Гарчи бу пасайиш ўртача кредитни баҳолаш ва қайта ишлаш тўловининг ошиши билан қисман

қопланган бўлса-да, ўртача самарали фоиз ставкаси (яъни, кредит қиймати) камайган. Натижалар, шунингдек, расмий манбалардан олинган кредитларнинг ўртача ҳажмининг нисбатан кичик даражада ошганини ва норасмий манбалардан олинган кредитлар фоизининг бир неча фоиз пунктларига ошганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, улар нисбатан кам таъминланган уй хўжаликлари-нинг кредит олишдан бош тортиш эҳтимоли юқори эканлигини ва қарзга хизмат кўрсатиш коэффиценти юқориқроқ кредит миқдори билан ижобий боғлиқлигини аниқлаган.[6] Бизнинг фикримизча, бу нисбатан кичик ссудалар даражасида ўртача кредит ҳажмининг ўсиши кузатилаётганлигини ҳисобга олсак, нисбатан кичик қарз олувчилар ўртасида юзага келадиган қарз юкининг ортиши эҳтимолини билдиради. Шунингдек, илмий тадқиқот натижасида уй хўжалик-ларининг қарз юкини камайтиришда молиявий саводхонликнинг муҳим ролини тасдиқловчи далиллар ҳам тасдиқланади.

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Статистика қўмитасининг ҳамда микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотларнинг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ҳар бир давлатда микромолия хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотлар ўзига яраша ўринга эга. Уларнинг ўрни мамлакатда қамбағалликни қисқартиришда, аҳолининг ижтимоий фаолиятини яхшилашда билинади. Шу билан бирга, микромолия


хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилотлар ўзларининг молиявий барқарорлигини ҳам таъминлашлари лозим.

Экономерик таҳлиллари икки моделда олиб борамиз. Яъни микромолия ташкилотлари иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг кучини аниқлашда энг кичик квадрат модели ҳамда структуравий векторли авторегрессия моделларидан фойдаланамиз.

Микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткич-ларидан ликвидлигига ([Liquidity] _t) активлар рентабеллигига ([ROA] _t) ҳамда капитал рентабеллигига ([ROE] _t) таъсир этувчи эндоген омиллар сифатида ички омиллар микромолия ташкилотлари кредитлари ҳажми ([Loan] _t), кредитлари фоизи ([LoanRate] _t), ҳамда ташқи томонлама микромолия ташкилотлари иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар сифатида индикатив фоиз ставка ([INR] _t), муомаладаги пул массаси ([M2] _t), иқтисодиётдаги инфляция даражаси ([CPI] _t) ҳамда миллий валюта девальвация даражалари ([DEV] _t) танланган.

Микромолия ташкилотларининг ижтимоий самарадорлик кўрсаткич-ларидан кредитлари ҳажмига ([Loan] _t), кредитлари фоизига ([LoanRate] _t) таъсир этувчи эндоген омиллар сифатида индикатив фоиз ставка ([INR] _t), муомаладаги пул массаси ([M2] _t), иқтисодиётдаги инфляция даражаси ([CPI] _t) ҳамда миллий валюта девальвация даражалари ([DEV] _t) танланган.

Танланган кўрсаткичларнинг 2017M1-2022M09 оралиғидаги статистик маълумотлари ойлар кесимида ва ўсишда олинган. Таҳлил қилинаётган статистик маълумотлар ўлчамлари турлича бўлганлиги учун барча маълумотлар натурал логарифмланган. Натижада маълумотлар бир маромда текисланади ва бир хил ўлчов бирлигига келади.

1-расм. Танланган кўрсаткичларнинг нормал тақсимоти¹

Эконометрик таҳлилнинг дастлабки босқичида бир қатор статистик ҳисоб-китобларни амалга оширдик. Булар танланган маълумотларнинг тасвирий статистикаси, яъни бу бунда асосан маълумотларнинг ўртача кўрсаткичлари, максимал ва минимал кўрсаткичлари, ўртачадан четлашиши (стандарт дисперсияси) каби кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, илмий ишимизда танланган кўрсаткичларнинг нормал тақсимотини ҳам таҳлил қилганмиз.

Маълумотларнинг нормал тақсимотини текшириш учун Жак Бера коэффицентидан фойдаланилди. Таҳлилар шуни кўрсатмоқдаки, микромолия

ташкilotларининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари, яъни ликвидилик, активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичларидан ташқари қолган танланган барча кўрсаткичлар нормал тақсимотга эга. Чунки, танланган барча кўрсаткичлар учун ҳисобланган Жак-Бера коэффицентини ишончли ва уларнинг эҳтимоллиги 0,05 дан кичик эканлиги аниқланди.

Танланган кўрсаткичлар ёрдамида 69 та кузатув амалга оширилди. Қуйида танланган тўққизта кўрсаткичнинг тасвирий статистикасини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Кўрсаткичларнинг тасвирий статистикаси

	INR	M2	CPI	DEV	Loan	LoanRate	Liquidity	ROA	ROE
Mean	4.6171	4.6053	4.6157	4.6053	4.6056	4.6228	4.6654	4.6394	4.6613
Median	4.6167	4.6053	4.6161	4.6052	4.6056	4.6224	4.6611	4.6348	4.6541
Maximum	4.6192	4.6070	4.6453	4.6133	4.6082	4.6280	4.7123	4.6720	4.7228
Minimum	4.6126	4.6045	4.6001	4.6049	4.6039	4.6169	4.6418	4.6281	4.6346
Std. Dev.	0.0014	0.0003	0.0077	0.0009	0.0005	0.0024	0.0167	0.0114	0.0229
Skewness	-1.7810	1.6639	0.5413	7.9582	0.6977	-0.2430	0.8922	1.5009	1.1271
Kurtosis	6.7229	9.6691	5.1799	66.156	12.123	2.8349	3.3518	3.9676	3.3368
Jarque-Bera	79.647	166.65	17.772	12726	255.54	0.7907	9.9257	29.841	15.585
Probability	0.0000	0.0000	0.0001	0.0000	0.0000	0.6734	0.0069	0.0000	0.0004
Sum	332.43	331.58	332.33	331.58	331.60	332.84	335.9100	334.03	335.61
Sum Sq. Dev.	0.0001	8.18E-06	0.0042	6.69E-05	2.03E-05	0.000425	0.019833	0.0092	0.0375
Observations	69	69	69	69	69	69	69	69	69

¹ Танланган статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишланди.

Кузатув натижаларига кўра, экзоген ўзгарувчилар ҳисобланган микромолия ташкилотлари ликвидлилигининг натурал логалифмланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6654 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич қўрилган даврда максимум 4,7123 га ва минимум 4,6418 га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг стандарт дисперцияси 0,0167 га тенг бўлган.

Шунингдек, микромолия ташкилотлари активларининг рентабеллик кўрсаткичларининг логалифмланган ҳолатдаги ўртачаси 4,6348 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич қўрилган даврда максимум 4,6720 га ва минимум 4,6281 га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг стандарт дисперцияси 0,0114 га тенг бўлган.

Микромолия ташкилотлари капитали рентабеллиги кўрсаткичи натурал логалифмланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6541 га тенг бўлиб,

ушбу кўрсаткич қўрилган даврда максимум 4,7228 га ва минимум 4,6346 га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг ўртачадан четлашиш даражаси 0,0229 га тенг бўлган.

Микромолия ташкилотлари капитал рентабеллиги кўрсаткичининг стандарт дисперцияси қолган самарадорлик кўрсаткичларидан катталиги аниқланди.

Таҳлилда эндоген кўрсаткичлар ҳам ўрганилган бўлиб, уларнинг ўртача даражаси, максимум ва минимум даражалари ҳамда дисперцияларини юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Қуйида танланган тижорат банклари ликвидлилиги, кредитлаш салоҳияти ҳамда фоиз сиёсатларининг эндоген кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинган.

2-жадвал

Танланган кўрсаткичлар ўртасида корреляцион матрица

	INR	M2	CPI	DEV	Loan	LoanRate	Liquidity	ROA	ROE
INR	1								
M2	-0.0073	1							
CPI	0.0124	-0.0449	1						
DEV	-0.0812	0.5777	0.0742	1					
Loan	0.0376	-0.0990	0.2182	0.0578	1				
LoanRate	0.8048	-0.0993	-0.0297	-0.2299	-0.0695	1			
Liquidity	0.0114	-0.0477	-0.2346	-0.1726	-0.2423	-0.0199	1		
ROA	0.0450	-0.0415	-0.1579	-0.0912	-0.2448	0.0049	0.8605	1	
ROE	0.1170	-0.0047	-0.2172	-0.1197	-0.3103	0.07838	0.8963	0.9674	1

Микромолия ташкилотлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан ликвидлилик даражасининг кредитлари ҳажми ва уларнинг фоизи билан корреляцияси мос равишда -0,24 ва -0,02 га тенг бўлган. Яъни микромолия ташкилотлари кредитлари ҳажмининг ошиши уларнинг ликвидлилигига тескари таъсир кўрсатган бўлса, кредитлар фоиз ставкасининг ликвидлиликка таъсири сезилмаган.

Микромолия ташкилотлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан ликвидлилик даражасининг индикатив фоиз ставка билан корреляцияси 0,01, муомаладаги пул массаси билан -0,05, инфляция даражаси билан -0,23 ва девальвация билан -0,17 га тенг бўлган. Яъни индикатив фоиз ставка билан пул массаси микромолия ташкилотлари ликвидлилиги таъсири сезилмаган. Аксинча, инфляция ва девальвация даражалари билан тескари боғлиқлик бўлган.

Микромолия ташкилотлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан активлари рентабеллиги кредитлари ҳажми ва уларнинг фоизи билан корреляцияси мос равишда -0,24 ва -0,01 га тенг бўлган. Яъни микромолия ташкилотлари кредитлари ҳажмининг ошиши уларнинг активлари рентабеллигига тескари таъсир кўрсатган бўлса, кредитлар фоиз ставкасининг активлари рентабеллигига таъсири сезилмаган.

Микромолия ташкилотлари активлари рентабеллигининг индикатив фоиз ставка билан корреляцияси 0,04, муомаладаги пул массаси билан -0,04, инфляция даражаси билан -0,16 ва девальвация билан -0,09 га тенг бўлган. Яъни индикатив фоиз ставка билан пул массаси микромолия ташкилотлари активлари рентабеллигига таъсири сезилмаган. Аксинча, инфляция ва девальвация даражаси билан суст бўлсада тескари боғлиқлик бўлган капитал рентабеллиги кўрсаткичи активлар рентабеллиги кўрсаткичи каби боғлиқликка эга бўлган.

Микромолия ташкилотлари ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларидан кредитлари ҳажмининг индикатив фоиз ставка ва муомаладаги пул массаси билан корреляцияси мос равишда 0,04 ва -0,10 га тенг бўлган. Яъни индикатив фоиз ставканинг ошиши кредитлари ҳажмини оширса, аксинча муомаладаги пул массасининг ошиши кредитлари ҳажмини пасайтирмоқда.

Шу билан бирга, микромолия ташкилотлари кредитлари ҳажмининг инфляция ва девальвация даражалари билан корреляцияси мос равишда 0,21 ва 0,06 га тенг бўлган. Яъни инфляция ва девальвация даражаларининг кредитлар ҳажмига таъсири позитив бўлган.

Микромолия ташкилотлари ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларидан яна бири кредитлар

фоизининг индикатив фоиз ставка ва муомаладаги пул массаси билан корреляцияси мос равишда 0,80 ва -0,10 га тенг бўлган. Яъни индикатив фоиз ставканинг ошиши кредитлар фоизига катта таъсир қилган бўлса, аксинча муомаладаги пул массасининг ошиши кредитлари ҳажмини пасайтирмоқда ва бу боғлиқлик мантиқан тўғри қурилган.

Шу билан бирга, микромолия ташкилотлари кредитлар фоизининг инфляция ва девальвация даражалари билан корреляцияси мос равишда -0,03 ва -0,23 га тенг бўлган. Яъни инфляция даражаларининг

кредитлар фоизига таъсири сезиларсиз бўлган бўлса, миллий валюта девальвациясининг кредитлар фоизига таъсири тескари ва бу сезиларли бўлган.

Эконометрик таҳлилимизнинг шу жойида бир икки босқичга ажратамиз. Биринчи босқичда микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлилини олиб борсак, иккинчи босқичда ушбу ташкилотларнинг ижтимоий самарадорлигини эмпирик таҳлил қиламиз.

3-жадвал

Микромолия ташкилотлари ликвидлилик даражасига таъсир этувчи омилларнинг энг кичик квадрат моделида ҳисобланган параметрлари

Dependent Variable: LIQUIDITY

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LOAN	-6.739883	3.787809	-1.779362	0.0799
LOANRATE	-1.721995	1.399522	-1.230416	0.2230
INR	2.375187	2.274514	1.044261	0.3002
M2	0.563042	7.084900	0.079471	0.9369
CPI	-0.393248	0.255496	-1.539154	0.1286
DEV	-3.342902	2.536764	-1.317782	0.1922
C	47.31798	34.57298	1.368641	0.1758
R-squared	0.135511	Mean dependent var		4.665417
Adjusted R-squared	0.055712	S.D. dependent var		0.016714
S.E. of regression	0.016241	Akaike info criterion		-5.310351
Sum squared resid	0.017146	Schwarz criterion		-5.089008
Log likelihood	198.1726	Hannan-Quinn criter.		-5.222234
F-statistic	1.698159	Durbin-Watson stat		0.430738
Prob(F-statistic)	0.135586			

Таҳлил натижаларига кўра 5% ли эҳтимоллик билан текширганда, танланган кўрсаткичларнинг

микромолия ташкилотлари ликвидлилик даражасига таъсири мавжуд эмаслиги аниқланди.

4-жадвал

Микромолия ташкилотлари активлари рентабеллигига таъсир этувчи омилларнинг энг кичик квадрат моделида ҳисобланган параметрлари

Dependent Variable: ROA

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LOAN	-5.240732	2.649719	-1.977845	0.0522
LOANRATE	-1.016004	0.979020	-1.037777	0.3032
INR	1.744680	1.591110	1.096517	0.2769
M2	-1.647120	4.956161	-0.332338	0.7407
CPI	-0.162692	0.178730	-0.910266	0.3660
DEV	-0.852122	1.774564	-0.480186	0.6327
C	37.67838	24.18513	1.557915	0.1241
R-squared	0.095159	Mean dependent var		4.639423
Adjusted R-squared	0.011635	S.D. dependent var		0.011428
S.E. of regression	0.011361	Akaike info criterion		-6.025019
Sum squared resid	0.008390	Schwarz criterion		-5.803677
Log likelihood	223.9007	Hannan-Quinn criter.		-5.936902
F-statistic	1.139299	Durbin-Watson stat		0.300335
Prob(F-statistic)	0.349873			

Таҳлил натижаларига кўра 5% ли эҳтимоллик билан текширганда, танланган кўрсаткичларнинг микромолия ташкилотларининг активлари рентабеллигига таъсири мавжуд эмаслиги аниқланди.

5-жадвал

Микромолия ташкилотлари капитали рентабеллигига таъсир этувчи омилларнинг энг кичик квадрат моделида ҳисобланган параметрлари

Dependent Variable: ROE

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LOAN	-12.61486	5.148947	-2.449989	0.0170
STLR	-1.867781	1.902436	-0.981784	0.3298
INR	4.381224	3.091854	1.417022	0.1613
M2	0.791212	9.630839	0.082154	0.9348
CPI	-0.453083	0.347308	-1.304555	0.1966
DEV	-2.867816	3.448343	-0.831651	0.4087
C	62.82094	46.99667	1.336710	0.1860
R-squared	0.155899	Mean dependent var		4.661318
Adjusted R-squared	0.077982	S.D. dependent var		0.022992
S.E. of regression	0.022078	Akaike info criterion		-4.696342
Sum squared resid	0.031682	Schwarz criterion		-4.474999
Log likelihood	176.0683	Hannan-Quinn criter.		-4.608225
F-statistic	2.000841	Durbin-Watson stat		0.295245
Prob(F-statistic)	0.078219			

Таҳлил натижаларига кўра 5% ли эҳтимоллик билан текширганда, фақатгина кредитлар ҳажмининг микромолия ташкилотлари капитал рентабеллигига таъсири сезилмоқда. Хусусан, кредитлар ҳажмининг ставканинг бир фоизга ошиши микромолия ташкилотлари капитал рентабеллигини 5,15 фоизга оширмоқда. Ушбу модел орқали 5% эҳтимолликда қолган кўрсаткичларнинг микромолия ташкилотлари капитал рентабеллигига таъсири кузатилмади.

Энг кичик квадрат модели орқали микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигига таъсирини аниқлаш ўз натижасини бермади. Чунки, энг кичик квадрат усулида “лаг”лардан фойдаланмайди. Бизнинг танлаган кўрсаткичларимиз маълум бир лаглар асосида таъсир кўрсатади.

Қуйида микромолия ташкилотларнинг ижтимоий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар кучини энг кичик квадрат модел орқали таҳлил қиламиз.

6-жадвал

Микромолия ташкилотлари кредитлари ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг энг кичик квадрат моделида ҳисобланган параметрлари

Dependent Variable: LOAN

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LOANRATE	-0.056504	0.044945	-1.257191	0.2131
INR	0.091139	0.073058	1.247484	0.2166
M2	-0.276188	0.227712	-1.212880	0.2295
CPI	0.013179	0.008143	1.618540	0.1103
DEV	0.058236	0.082124	0.709117	0.4807
C	5.388935	0.906788	5.942886	0.0000
R-squared	0.092784	Mean dependent var		4.605615
Adjusted R-squared	0.024056	S.D. dependent var		0.000534
S.E. of regression	0.000528	Akaike info criterion		-12.17609
Sum squared resid	1.84E-05	Schwarz criterion		-11.98637
Log likelihood	444.3393	Hannan-Quinn criter.		-12.10056
F-statistic	1.350008	Durbin-Watson stat		1.231720
Prob(F-statistic)	0.254604			

Таҳлил натижаларига кўра 5% ли эҳтимоллик билан текширганда, танланган кўрсаткичларнинг микромолия ташкилотларининг кредитлари ҳажмига таъсири мавжуд эмаслиги аниқланди.

7-жадвал

Микромолия ташкилотлари кредитлари фоизига таъсир этувчи омилларнинг энг кичик квадрат моделида ҳисобланган параметрлари

Dependent Variable: LOAN RATE

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LOAN	-0.413903	0.329229	-1.257191	0.2131
INR	1.324446	0.115938	11.42378	0.0000
M2	-0.116552	0.622970	-0.187091	0.8522
CPI	-0.002997	0.022469	-0.133373	0.8943
DEV	-0.378073	0.218207	-1.732629	0.0878
C	2.705661	3.022487	0.895177	0.3739
R-squared	0.683309	Mean dependent var		4.622813
Adjusted R-squared	0.659317	S.D. dependent var		0.002447
S.E. of regression	0.001428	Akaike info criterion		-10.18478
Sum squared resid	0.000135	Schwarz criterion		-9.995055
Log likelihood	372.6520	Hannan-Quinn criter.		-10.10925
F-statistic	28.48096	Durbin-Watson stat		0.791522
Prob(F-statistic)	0.000000			

Таҳлил натижаларига кўра 5% ли эҳтимоллик билан текширганда, фақатгина индикатив фоиз ставканинг микромолия ташкилотлари кредитлари фоизига таъсири сезилмоқда. Хусусан, индикатив фоиз ставканинг бир фоизга ошиши микромолия ташкилотлари кредитлари фоизини 0,11 фоизга оширмоқда. Ушбу модел орқали 5% эҳтимолликда қолган кўрсаткичларнинг микромолия ташкилотлари кредитлари фоизига таъсири кузатилмади.

Танланган кўрсаткичларнинг тижорат банклар ликвидлилиги ва кредитлари ҳажмига таъсири энг кичик усул орқали аниқлай олмаганимизга сабаб ҳам

ушбу моделда “лаг”дан фойдаланилмайди. Демак, таҳлилимизни бошқа моделлардан фойдаланган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, таҳлилимизнинг кейинги босқичида структуравий векторли авторегрессия (SVAR) моделидан фойдаланамиз. Чунки, ушбу моделда биз танланган кўрсаткичларнинг тижорат банклар ликвидлилиги ва кредитлари ҳажмига таъсирини аниқлашда “лаг”дан фойдаланамиз. SVAR моделдан фойдаланишда, дастлаб танланган кўрсаткичлар асосида Augmented Dickey-Fuller Test ўтказамиз.

8-жадвал

Augmented Dickey-Fuller Test натижаси

	Кўрсаткичлар	t-Statistic	Probability	Хулоса
1	INR	-3.067562	0.0336	I(0)
2	M2	-8.958879	0.0000	I(0)
3	CPI	-4.822585	0.0002	I(0)
4	DEV	-5.495013	0.0000	I(0)
5	Loan	-5.107106	0.0001	I(0)
6	LoanRate	-2.000638	0.2860	I(1)
7	Liquidity	-2.092200	0.2484	I(1)
8	ROA	-1.676653	0.0387	I(0)
9	ROE	-1.532137	0.0118	I(0)

Ушбу Augmented Dickey-Fuller Test модели орқали кўрсаткичларни бирлик илдишга текширамиз ва ушбу кўрсаткичлар стационар ёки ностационар эканлиги юзасидан хулоса қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, танланган кўрсаткичлардан фақатгина микромолия ташкилотлари кредитлари фоизи билан

ликвидлилиқ даражаси ностационар ҳолатда бўлмоқда. Қолган барча танланган кўрсаткичлар стационар ҳолатида бўлмоқда.

Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, ностационар ҳолатидаги кўрсаткич-ларнинг қолган кўрсаткичлар билан мантиқий боғлиқлиги мавжуд бўлганлиги учун SVAR моделидан фойдаланиш мумкин.

9-жадвал

Микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг SVAR модели учун оптимал “лаг” танлаш (Lag Length Criteria) усули

Lag	LogL	LR	FPE	AIC	SC	HQ
0	2961.033	NA	5.58e-49	-85.56617	-85.27477	-85.45056
1	3261.624	514.0549	9.79e-52	-91.93114	-89.01709	-90.77504
2	3326.214	93.60832	1.76e-51*	-91.45548*	-85.91878*	-89.25889*
3	3410.587	100.2695	2.19e-51	-91.55325	-83.39391	-88.31617

Таҳлилимизнинг кейинги босқичидан SVAR модел учун оптимал “лаг”ни танлаб олишимиз лозим. Бунинг учун Lag Length Criteria усулидан фойдаланамиз. Таҳлил маълумотлардан кўриниб турибдики, микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг SVAR модели учун оптимал “лаг”лар

сони 2 тани ташкил этмоқда.

Микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг ва танланган “лаг” асосида шакллантирилган SVAR модел натижаларини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

10-жадвал

Микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг SVAR модели

	Liquidity	ROA	ROE
INR(-2)	2.529390 (1.20976) [2.09083]	0.698336 (0.83959) [0.83176]	1.415539 (1.35952) [1.04120]
M2(-2)	-1.589948 (2.62269) [-0.60623]	-3.555783 (1.82019) [-1.95352]	-6.176912 (2.94738) [-2.09573]
LoanRate(-2)	2.424907 (0.82913) [2.92463]	0.421978 (0.57543) [0.73333]	1.101255 (0.93178) [1.18188]
Liquidity(-1)	0.296219 (0.12173) [2.43333]	-0.128998 (0.08449) [-1.52687]	-0.289485 (0.13680) [-2.11604]
ROA(-1)	1.354798 (0.67035) [2.02103]	-0.062475 (0.46523) [-0.13429]	-1.256506 (0.75334) [-1.66791]
ROE(-1)	-0.531088 (0.41458) [-1.28103]	0.613812 (0.28772) [2.13333]	1.671207 (0.46590) [3.58702]
C	3.413118 (20.0201) [0.17048]	2.067304 (13.8943) [0.14879]	14.76569 (22.4987) [0.65629]
R-squared	0.711035	0.778748	0.859822
Sum sq. resids	0.005675	0.002013	0.005127
Mean dependent	4.665680	4.639682	4.661933
S.D. dependent	0.016870	0.011483	0.023023

Модел натижаларига кўра, микромолия ташкилотлари иқтисодий самарадорлигини билдирувчи ликвидлилик кўрсаткичларига индикатив фоиз ставка, кредитлар фоизи, активлар рентабеллик даражалари, ҳамда автокорреляцияни инобатга олган ҳолда олдинги даврдаги ликвидлилик даражаси позитив таъсир кўрсатган.

Микромолия ташкилотлари активлар рентабеллигига пул массасининг ошиши ҳамда

капитал рентабеллигининг ошиши позитив таъсир кўрсатган. Шунингдек, микромолия ташкилотлари капитали рентабеллигига муомаладаги пул массасининг ўсиши ҳамда ликвидлилик даражасининг ошиши негатив таъсир кўрсатмоқда. Аммо автокорреляция орқали олдинги даврдаги капитал рентабеллигининг ошиши кейинги даврдаги капитал рентабеллигини ҳам оширмоқда.

11-жадвал

Микромолия ташкилотларининг ижтимоий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг SVAR модели учун оптимал “лаг” танлаш (Lag Length Criteria) усули

Lag	LogL**	LR	FPE	AIC	SC	HQ
0	2235.421	NA	3.47e-36	-64.62091	-64.42664	-64.54383
1	2355.468	215.7362*	3.05e-37	-67.05705	-65.69715*	-66.51753
2	2376.886	34.76485	4.77e-37*	-66.63437*	-64.10886	-65.63241*
3	2401.961	36.34160	6.95e-37	-66.31772	-62.62659	-64.85333

Таҳлилимининг кейинги босқичидан SVAR модел учун оптимал “лаг”ни танлаб олишимиз лозим. Бунинг учун Lag Length Criteria усулидан фойдаланамиз. Таҳлил маълумотлардан кўриниб турибдики, микромолия ташкилотларининг ижтимоий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг SVAR модели учун оптимал “лаг”лар

сони 2 тани ташкил этмоқда.

Микромолия ташкилотларининг ижтимоий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг ва танланган “лаг” асосида шакллантирилган SVAR модел натижаларини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

12-жадвал

Микромолия ташкилотларининг ижтимоий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг SVAR модели

	Loan	LoanRate
DEV(-2)	-0.057115 (0.07113) [-0.80301]	0.236795 (0.11105) [2.13231]
Loan(-1)	0.321256 (0.11672) [2.75241]	0.076843 (0.18224) [0.42166]
LoanRate(-1)	-0.067318 (0.06915) [-0.97347]	0.662523 (0.10797) [6.13612]
C	4.129352 (1.44576) [2.85617]	-3.666902 (2.25733) [-1.62444]
R-squared	0.278908	0.875572
Sum sq. resids	1.46E-05	4.61E-05
Mean dependent	4.605619	4.622960
S.D. dependent	0.000541	0.002317

Модел натижаларига кўра, микромолия ташкилотлари ижтимоий самарадорлигини билдирувчи кредитлар ҳажми ва фоизига таъсир этувчи танланган кўрсаткичлардан индикатив фоиз ставка, муомаладаги фоиз ставка ҳамда ички иқтисодиётдаги инфляция даражаларининг таъсири аниқланмади. Аксинча, миллий валюта курси девалвацияси микромолия ташкилотларининг ижтимоий фаолият самарадорлигига таъсири кучли эканлиги аниқланди.

Хусусан, миллий валюта курси девалвациясининг 1 фоизга ошиши икки ойдан кейин микромолия ташкилотлари кредитлари фоизини 0,24 фоизга ошириши аниқланди. Шунингдек, микромолия ташкилотлари кредитлар ҳажмининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда ушбу кўрсаткични 0,32 фоизга ошириши аниқланди. Шу билан бирга, кредитлар фоизининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда ушбу кўрсаткични 0,66 фоизга ошириши аниқланди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, микромолия хизматлар кўрсатувчи кредит ташкилотлари иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига таъсир қилувчи макро даражадаги омиллар эмпирик таҳлили ўрганилди. Таҳлил натижалари қуйидагилар:

Микромолия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эмпирик моделига кўра:

Микромолия ташкилотлари ликвидлилигига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлил натижаси:

- индикатив фоиз ставканинг 1 фоизга ошиши икки ойдан кейин микромолия ташкилотлар ликвидлилигини 2,53 фоизга оширишини аниқланди;
- миллий валюта девалвация даражасининг 1 фоизга ошиши микромолия ташкилотлари ликвидлилигини -1,82 фоизга пасайтириши аниқланди;
- кредитлар фоизининг 1 фоизга ошиши икки ойдан кейин микромолия ташкилотлар ликвидлилигини 2,42 фоизга оширишини аниқланди;
- активлар рентабеллигининг 1 фоизга ошиши бир ойдан кейин микромолия ташкилотлар ликвидлилигини 1,35 фоизга оширишини аниқланди;
- микромолия ташкилотларининг олдинги ойда ликвидлилигининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда ушбу кўрсаткични 0,30 фоизга ошириши аниқланди.

Микромолия ташкилотлари активлари рентабеллигига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлил натижаси:

- муомаладаги пул массасининг 1 фоизга ошиши икки ойдан кейин микромолия ташкилотлар активлари рентабеллигини -3,55 фоизга пасайтириши аниқланди;
- капитал рентабеллигининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда микромолия ташкилотлар активлари рентабеллигини 0,61 фоизга ошириши аниқланди.

Микромолия ташкилотлари капитал

рентабеллигига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлил натижаси:

- муомаладаги пул массасининг 1 фоизга ошиши икки ойдан кейин микромолия ташкилотлар капитали рентабеллигини -6,18 фоизга пасайтириши аниқланди;
- ликвидлилиқ даражасининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда микромолия ташкилотлар капитали рентабеллигини -0,29 фоизга пасайтириши аниқланди.
- микромолия ташкилотларининг олдинги ойда капитал рентабеллигининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда ушбу кўрсаткични 1,67 фоизга ошириши аниқланди.

Микромолия ташкилотлари ижтимоий самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар эмпирик таҳлил натижаларига кўра миллий валюта курси девалвациясининг 1 фоизга ошиши икки ойдан кейин микромолия ташкилотлари кредитлари фоизини 0,24 фоизга ошириши аниқланди. Шунингдек, микромолия ташкилотлари кредитлар ҳажмининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда ушбу кўрсаткични 0,32 фоизга ошириши аниқланди. Шу билан бирга, кредитлар фоизининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда ушбу кўрсаткични 0,66 фоизга ошириши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Adusei, M. (2021). Interest rate and the social performance of microfinance institutions. The Quarterly Review of Economics and Finance, 80, 21-30.
3. Abrar, A. (2019). The impact of financial and social performance of microfinance institutions on lending interest rate: A cross-country evidence. Cogent Business & Management, 6(1), 1540072.
4. Khan, A., & Malik, M. S. (2020). Micro-financing: A comparative study of Bangladesh & Pakistan. Business and Economic Research, 10(3), 181-202.
5. Mazakaza, C., & Odoyo, C. (2022). THE IMPACT OF MICRO FINANCING ON WOMEN: A BRIEF REVIEW OF THE LITERATURE. International Journal of Finance and Accounting, 7(2), 55-64.
6. Samreth, S., Aiba, D., Oeur, S., & Vat, V. (2021). Impacts of the Interest Rate Ceiling on Microfinance Sector in Cambodia: Evidence from a Household Survey. JICA Ogata Research Institute Working Paper, (219).
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий маълумотлари.
8. <https://www.worldbank.org> маълумотлари